

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ГУЛБАХОР АБДУСАТТАРОВНА

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy
(PhD) on economical sciences**

Каримова Гулбахор Абдусаттаровна

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг
молиявий механизмларини такомиллаштириш..... 3

Каримова Гулбахор Абдусаттаровна

Совершенствование финансовых механизмов привлечения иностранных
инвестиций в национальную экономику..... 31

Karimova Goolbahor Abdusattarovna

Improving financial mechanisms for attracting foreign investment to the
national economy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ГУЛБАХОР АБДУСАТТАРОВНА

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt485 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “Ziynet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкilot:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ куни тарқатилди
(2019 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.Э. Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

С.У. Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Ж.И. Каримкулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида сўнги 2 йил ичида халқаро инвестициялар оқими камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. ЮНКТАД* ҳисоботида кўра, “тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 19 фоизга, 2017 йилдаги 1,47 трлн. доллардан 2018 йилда 1,2 трлн. долларгача камайди. Ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 40% га камайиб, 749 миллиард доллардан 451 миллиард долларга тушиб кетди. Европа мамлакатларидаги инвестициялар ҳажми 73 фоизга камайиб, 100 миллиард долларни ташкил этмоқда. Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизга 302 миллиард доллардан 263 миллиард долларга камайган бўлса-да, 2018 йилда энг катта тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми АҚШ ҳиссасига тўғри келмоқда. Қўшма Штатлардаги тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 226 миллиард долларни ташкил этсада, аммо бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 18 фоизга кам эканлигини таъкидлаш мумкин. Хитой Халқ Республикаси жалб этган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми бўйича иккинчи ўринда бўлиб, бу кўрсаткич 3 фоизга ўсди ва 142 миллиард долларни ташкил қилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида 5 фоизга ва Африкада 6 фоизга ўсиши кузатилди”.¹ Бу ҳолатлар жаҳон миқёсида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларидан самарали фойдаланиш масалаларининг аҳамиятли эканлигини тақозо этади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни самарали жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш, инвестициялардан самарали фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларига жойлаштириш, ҳудудларнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицияларнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро диспропорцияси масалалари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотларда молиявий имтиёзлар, солиқ имтиёзлари, молиявий инструментларга салмоқли эътибор қаратилмоқда. Бироқ, молиявий имтиёзлар асосан ривожланган, солиқ имтиёзлари эса ривожланаётган давлатларга хос, сабаби молиявий имтиёзлар ўз навбатида давлатлардан қўшимча молиявий ресурсларни талаб этади. Шу ўринда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий инструментлари ҳам давлатларда ривожланган фонд бозорини мавжуд бўлиши ва ривожланишини тақозо этади. Шу боис, иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётида бўлган мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

¹«Доклад о мировых инвестициях, инвестиции и новая промышленная политика, основные тезисы и обзор 2019 год» ЮНКТАД нинг расмий веб сайти www.unctad.org

*ЮНКТАД – БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD – United nations conference on trade and development)

Ўзбекистонда хорижий капитални самарали жалб қилиш шароитида, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари самарали амал қилмаётганлиги, молиявий инструментларнинг замонавий шаклларида фойдаланилмаётганлиги, хорижий инвестицияларнинг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлиги каби бир қатор муаммолар мавжуд. Шу муносабат билан, “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”² каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 20 майдаги ПФ-5722-сон “Ўзбекистон-Амирлик инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестициялар ва хорижий инвестициялар, уларни жалб қилиш механизмлари ва инструментлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассалари жумладан МДХ мамлакатлари томонидан изчил ўрганилмоқда. Ўзбекистон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

Республикасида ҳам ушбу муаммони ҳамон ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш талаб этилмоқда.

Инвестициялар назариясининг фундаментал жиҳатлари кўплаб таниқли хорижий олимлар Кейнс Дж., Маршалл А., Самуэльсон П., Смит А., Фабоцци Ф., Фишер С., Шарп У, Даннинг Ж. асарларида ўз ифодасини топган.³

Реал ва молиявий инвестициялар, инвестиция жараёнларини бошқариш ва тартибга солиш Россиялик олимлар Н.А. Бланк, В.В. Бочаров, Т.Г. Касьяненко ва Г.А. Маховикова, Л.Л. Игонина, Г.П. Подшиваленко, В.В. Ковалев ва В.В. Ивановларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.⁴

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг илмий-назарий, услубий ва амалий масалалари бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, хусусан Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Х.Хайдаровлар, Ш.Г.Юлдашев, Н.С.Кузиева, Н.Ғ.Каримовлар, Д.Д.Рустамова, С.С.Насретдинов, Н.Н.Обламуродовларнинг илмий ишларида ёритилган.⁵ Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига, хусусан, мамлакатнинг инвестиция жараёнига бағишланган тадқиқотлар сони чекланганлигини таъкидлаш лозим. Таҳлил жараёни шунки кўрсатдики, инвестицияларни жалб қилиш механизмлари, хусусан молиявий механизмларни илмий жиҳатдан янада тўлиқроқ ва мукамалроқ ўрганишни тақозо этади.

Муаллиф ушбу муаммони ўрганиш миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни янада муваффақиятли жалб қилиш учун муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди, чунки Ўзбекистон Республикаси инвестицияларни фаол жалб қилиш учун барча имкониятларга эга.

³АдамСмит. "Исследование о природе и причинах богатства народов"; Шарп У, Александер Г, Бейли Дж, Инвестиции, Пер с англ. –М.: Инфра-М, 2001; Dunning J. Transpacific foreign direct investment and the investment development path: the record assessed, Rutger and Reading universities, September 1993; Samuelson P., Multiplier-accelerator model, Review of Economic Statistics. 21 (2): 75–78; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М., 1978. -128 с; Alfred Marsha, Principals of Economics, Macmillan And Co., Limited; London; Фабоцци, Фрэнк Дж «Управление инвестициями» Изд-во: М.: ИНФРА-М, 2000 г.; С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи, Экономика, ДЕЛЮ Лтд, 1995 г

⁴Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент, Учебное пособие. — Киев: Ника-Центр: Эльга-Н, 2001. — 448 с; Бочаров В.В. Инвестиции, Учебник для вузов. 2 издание. СПб.: Питер 2009. 384с; Т.Г Касьяненко, Г.А Маховикова, Инвестиции: учеб.пособие. –М.:Эксмо, 2009.; Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб.пособие. М.: Экономист 2005; Подшиваленко П.Г., Лахметкина Н.И., Макарова М.В.Инвестиции. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2006. – 200 с; Ковалев В.В., Иванов В.В., Лялин В.А., Инвестиции: Учебник. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – 440 с.

⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002; Каримов Н.Ғ. Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение. –Т., 1998.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003.; Қўзиева Н.С. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. - Т.: IQTISOD MOLIYA, 2006.; Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2006.; Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т.: 2002.; Обломуротов Н.Н. Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2008.; Насретдинов С.С. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2008.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти стратегик илмий йўналиши “Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий-тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий ва иқтисодий асосларини илмий тадқиқ этиш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари хусусиятлари ва аҳамиятини ёритиб бериш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий инструментларини илмий тадқиқ қилиш;

мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсатининг таҳлилин аналга ошириш;

Андижон вилоятидаги хорижий инвестицияларни тармоқлар ва ҳудудлараро ҳолати таҳлилин аналга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари элементлари таҳлилин аналга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишда молиявий механизмларнинг хорижий тажрибасидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий, эконометрик таҳлил каби усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий акциядорлик жамиятлари томонидан еврооблигацияларни эмиссия қилиш ва жаҳон бозорида жойлаштириш амалиётини жорий этиш таклиф этилган;

хорижий инвестицияларни жалб қилишда, халқаро бизнес ва молиявий марказларда потенциал инвесторлар учун мўлжалланган тақдимотлар

асосида Road show дастурларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш таклиф этилган;

инвестиция лойиҳаларини амалга киритиш муддатларини янада қисқартиришда, хорижий инвесторларга истиқболли инвестиция таклифлари рўйхатини тақдим этиш таклиф этилган;

хорижий инвестицияларни ҳудудлараро диспропорцияси муаммосини ечиш мақсадида айнан ҳудудларга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга солиқ имтиёзларини қўллаш амалиёти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

эконометрик таҳлил натижасида Андижон вилоятининг ЯХМ ҳажмига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредитларнинг ҳажми таъсири асослаб берилган;

хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш таклифи такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги инвестицияларни самарали жалб қилишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор тажрибасини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, акциядорлик жамиятлари статистик маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни мамлакатнинг инвестиция муҳитини жозибadorлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг механизмларини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва натижалар қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан инвестицияларни жалб қилиш учун инвестиция сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкин. Тадқиқот натижалари бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган “Инвестиция” ва “Молия” каби фанлар ўқув дастурларини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

йирик акциядорлик жамиятлари томонидан еврооблигацияларни эмиссия қилиниши ва жаҳон бозорида жойлаш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 06/04-02-01-32/3605-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий қилиниши натижасида йирик корхоналарда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар тузиш жорий қилинди ва 2019 йил якунига кўра мазкур корхоналар томонидан еврооблигациялар эмиссия қилиниши кўзда тутилган;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, халқаро молиявий марказлар билан бевосита ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 06/04-02-01-32/3605-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мунтазам равишда йирик халқаро бизнес ва молиявий хабарга мақсадли аудитория учун мўлжалланган тақдимотлар билан ташриф буюрган ҳолда "Road Show" дастурларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиб бориш имконияти яратилган;

инвестиция лойиҳаларининг амалга киритиш муддатларини қисқартириш мақсадида, хорижий инвесторларга тайёр инвестиция лойиҳалар пакетини тақдим этиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 06/04-02-01-32/3605-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида хорижий инвесторларга сотилиши мумкин бўлган 20 та лойиҳа рўйхати тасдиқланган ва натижада Ўзбекистонга қарийб 4,4 млрд. долларлик инвестиция киритилиш имконияти яратилган;

худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг қарори билан тасдиқланган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом» (Адлия вазирлигидан 2016 йил 26 августда 2822-сон билан рўйхатга олинган)да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 06/04-02-01-32/3605-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида 2018 йил якунларига кўра 61 та субъект 75 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаланишга эришган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (шундан 2 та нуфузли хорижий), бошқа илмий нашрлар ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 17 та мақола ва тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 153 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётда синовдан ўтганлиги, нашр этилган ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини шакллантиришнинг назарий-иқтисодий асослари”** деб номланган биринчи бобида хорижий инвестицияларнинг моҳияти, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизми ва молиявий инструментлари ёритилган.

Хорижий инвестициялар ёрдамида иқтисодиётнинг мавжуд ишлаб чиқариш тузилмаси такомиллаштирилади, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришлар барпо этилади, кадрлар қайта тайёрланади ва корхоналар замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланади, бошқарувнинг замонавий ютуқлари амалиётга жорий қилинади, ички бозорда юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар пайдо бўлади, янги иш ўринлари яратилади, экспорт ҳажми ортиб боради, натижада мамлакатга эркин конвертирланадиган хорижий валютани кириб келишини таъминлайди. Хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланиш даражаси ўртача ва паст бўлган мамлакатларда хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва мустақамланишига ёрдам беради, йирик лойиҳаларни амалга ошириш ва ссуда капитали бозорларини яратиш учун капитал жалб қилади. Шу муносабат билан “хорижий инвестициялар” тушунчасининг назарий таҳлили долзарб ҳисобланади.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишларида “хорижий инвестиция” тушунчасига турлича таърифлар ишлаб чиқилган. Умуман олганда Ғарб иқтисодчилари ва МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимлари томонидан “хорижий инвестиция” атамасига аниқлик киритишда бир қанча фарқлар мавжуд. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, булардан бири “хорижий инвестиция” атамаси МДҲ давлатларида мустақилликка эришилгач, бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлганлигидир.

Дж. М. Кейнс инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: “белгиланган даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал қийматининг жорий ўсиши, белгиланган даврдаги даромаднинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми”.⁶ Бу ерда инвестициядан кўра жамғариш ҳақида кўпроқ фикр билдирилмоқда. Зеро, истеъмол учун ишлатилмаган даромаднинг бир қисми жамғармадир, жамғарма эса ҳар доим ҳам инвестиция бўлавермайди. Жамғармани инвестицияга айлантириш учун, пул маблағларини бирор

⁶Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М., 1978. -128

тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш керак, натижада эса бу маблағ ўз эгасига даромад келтириши керак.

Ғарб олимларидан бири М.Сорнаража қуйидагича фикр билдиради: “Хорижий инвестициялар бу – активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланиш учун моддий ва номоддий бойликларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказилишини англатади”.⁷

Юқоридаги олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча: *хорижий инвестициялар – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига хорижий капиталнинг киритилишидир.*

Жаҳон амалиётига кўра хорижий инвестициялар, асосан, қуйидагиларга бўлинади:

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

Портфельинвестициялар;

Бошқа турдаги инвестициялар.

Инвестиция муҳитини яхшилашга доир амалга оширилган чоратадбирлар натижасида, 2019 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди, таҳлил шуни кўрсатадики, бундай корхоналарнинг Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидagi улуши (339 мингта) кичик - атиги 2,2 фоиз. 2018 йилда Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар саноат маҳсулотларининг 41 фоизидан ортигини ишлаб чиқарган.⁸

Бироқ, ушбу соҳада ҳамон маълум камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хусусан, инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар ва республика тармоқлари ўртасида номутаносибликлар мавжуд. Бундан ташқари хорижий инвестициялар ва кредитлар таркибида хорижий кредитларнинг улуши кўпроқ эканлиги, ЯИМ нинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг камлиги, аҳоли жон бошига тақсимлаганда эса бўлса кўрсаткичнинг МДҲ давлатларининг ўртача олинган кўрсаткичлардан паст эканлиги бу борада олиб бориладиган, амалга ошириладиган ишларнинг нисбатан кўплигидан далолат беради. Шу муносабат билан, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмлари, хусусан молиявий механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Молиявий механизм мамлакатнинг иқтисодий муносабатларини бошқариш ва тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Молиявий механизм давлат, ҳудудлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ягона молиявий сиёсатини амалга оширишда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага таъсир кўрсатишда қўлланилади. Молиявий механизм – бу давлат томонидан

⁷The international law on foreign investment, M Sornarajah - 2017 - Cambridge University Press

⁸Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

ўрнатилган молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари, турлари ва усуллари тизими.

“Молиявий механизм” тушунчасига берилган изоҳлар

	Муаллиф	Молиявий механизмга берилган таъриф
1	А.М. Чернопатов	Молиявий механизм - бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи молиявий усуллар ва шакллар, воситалар ва таъсир этиш воситаларининг мажмуасидир.
2	Д.Шевчук	Молиявий механизм - бу жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида қулай шарт-шароитлар яратиш учун фойдаланадиган молиявий муносабатларнинг ташкилий шакллари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш усуллари
3	А.Г.Грязнова	Молиявий механизм иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг турлари ва шакллари, молиявий ресурсларни шакллантиришда, мақсадли фондларни шакллантиришда ва ишлатишда қўлланиладиган ҳисоблаш шартлари ва усуллари билан ифодаланадиган иқтисодий механизмнинг ажралмас қисмидир
4	Г.Б. Поляк	Молиявий механизм - бу давлат томонидан ўрнатилган молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари, турлари ва усуллари тизими
5	А.М. Поддериьогина.	Корхоналарни бошқаришдаги молиявий механизм - бу молиявий менежмент асос бўлган ва молиявий муносабатлар соҳасидаги хўжалик объектлари ва субъектларнинг ўзаро муносабатларини, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни ташкил этувчи, молиявий фаолиятнинг корхонанинг якуний натижаларига таъсирини таъминлайдиган корхона молиясини бошқарув тизимидир.
6	Kees van Dijk, Herman Savenije	Молиялаштириш механизми молия ресурсларини етказиб берувчи ва бенефициар ўртасида ўтказилишини таъминловчи институционал механизм сифатида белгиланади
7	businessdictionary.com	Молиявий механизм молиялаштириш таъминланадиган усул ёки манба сифатида қаралади, масалан, банк кредитлари, облигациялар ёки акциялар чиқариш, захиралар ёки жамғармалар ва сотишдан тушган даромад

Фикримизча, юқоридагиларга асосланиб, ғарб иқтисодчиларининг таърифларида молиявий механизм молиялаштириш механизми ёки молиялаштириш манбаи сифатида қаралган. Инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизми эса инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Юқоридаги олимларнинг фикрларидан ва олиб борилган изланишлар натижасида муаллиф хулосаси шуки, ***хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари бу хорижий инвестицияларни самарали жалб қилишнинг усуллари, шакллари ва молиявий инструментлари мажмуидир.***

Жаҳон амалиётига кўра, ривожланган мамлакатларда инвестиция бозорининг энг кучли сегментларидан бири бу фонд бозори (ёки қимматли қоғозлар бозори) бўлиб, унинг ёрдамида йирик инвестиция ресурслари тўпланиб, инвестицияларнинг максимал даражада ҳаракатчанлигига эришилади. Иқтисодийнинг ҳозирги ривожланиш босқичида фонд бозори иқтисодий инвестиция ресурслари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга тайёр эмас.


Қимматбаҳо қоғозлар бозорида ижобий тенденцияларга қарамай, у мамлакат молия тизимининг энг заиф элементларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон фонд бозори шаклланишининг олдинги босқичларида у тор функцияларни бажарган, уларнинг асосийларидан бири давлат корхоналари акцияларини хусусийлаштиришни техник қўллаб-қувватлаш эди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда бирламчи бозор пайдо бўлди, аммо ўзига хос хусусиятларга эга: у фақат хусусийлаштириш жараёнларида ишлатилган, аксарият ҳолларда оммавий жойлаштириш деярли бўлмаган. Шундай қилиб, корхоналар томонидан акцияларни чиқарилишининг катта қисми инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлмаган. Замонавий шароитда мулк ҳуқуқини қайта тақсимлаш функцияси аста-секин ўз аҳамиятини йўқотмоқда – хусусийлаштириш хусусий мулкдорларнинг кескин массасининг пайдо бўлишини таъминлади. Иқтисодий сиёсатни янада либераллаштириш ва глобал интеграцияни чуқурлаштириш шароитида ривожланган фонд бозорига эҳтиёж янада ошмоқда.

Ўзбекистондаги фонд бозорининг ишлаши ва ривожланишининг асосий мақсади замонавий ишлаб чиқаришни тиклаш ва келгусидаги ўсишини таъминлаш учун кучли инвестиция манбаларини жалб қилиш бўлиши керак. Яъни, бизнинг фикримизча, бундай инвестиция манбалари, авваламбор, ишлаб чиқариш соҳасини инновацион ва технологик модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилиши керак. Республикада қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш фонд бозоридаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқлаш ва уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, фонд бозорида ҳам банк, ҳам нобанк молия институтлари фаолиятини тартибга солишда ягона ёндашувни шакллантиришни талаб қилади.

Диссертациянинг “Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари таҳлили (Андижон вилояти мисолида)” деб номланган иккинчи бобида хорижий инвестицияларнинг Республика миқёсидаги ҳудудлараро ва тармоқлараро ҳолати таҳлили амалга оширилган. Бундан ташқари, Андижон вилоятидаги хорижий инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармоқлараро ҳолати таҳлили, Андижон вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳамда хорижий инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги эконометрик таҳлили, ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизми элементлари таҳлили амалга оширилган.

Хорижий инвестициялар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Хорижий инвестициялар мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини оширишга, ички капитал бозорини тўлдиришга таъсир қилади. Хорижий инвестицияларни янада самарали жалб қилиш учун ҳар бир мамлакат инвестиция муҳитини яхшилашга, инвестицияларни кўпайтиришга ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқади; хорижий инвесторларга бир қатор имтиёз ва преференциялар яратади; инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини қабул қилади.

Мустақиллик йилларида инвестиция жараёнлари кескин ўзгаришларга учради. Ушбу ўзгаришлар инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларида айниқса аҳамиятли бўлди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 40 фоизини марказлаштирилган инвестициялар ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич сезиларли даражада ўзгарди. Бу ҳақда батафсил маълумотлар 1-расмда келтирилади.



1-расм. Молиялаш манбалари бўйича инвестициялар таркиби (%ҳисобида)⁹

⁹Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. www.stat.uz

1-расмдан кўриниб турибдики, 2000 йилда инвестицияларнинг умумий ҳажмида бюджет маблағларининг улуши 29,2 фоизни ташкил этди. Бироқ, сўнгги йилларда бу кўрсаткич янада пасайди. Ушбу ўзгаришнинг сабаби инвестиция жараёнида бюджетдан ташқари фондларнинг иштирок эта бошлаганидир. Бюджетдан ташқари фондлар 1997 йилдан буён мақсадли молиялаштиришда иштирок этмоқдалар. 2017 йилдаги бюджетдан ташқари фондларнинг инвестицияларни молиялаштиришдаги улуши 2000 йилга нисбатан қарийб 10 баравар кўпайган.

2018 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга 107,3 трлн.сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар суммаси (доллар эквивалентида 12,9 миллиард АҚШ долларига тенг) 16,689,6 миллиард сўм хорижий инвестициялар ва кредитларга сарфланди.¹⁰

Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини тушуниш учун саноат ва иқтисодий фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича тақсимланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. (1-жадвал). Агар 1-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, хорижий инвестициялар асосан тоғ-кон саноатида жамланганлигини кўриш мумкин. Тоғ-кон саноати иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади, чунки Ўзбекистон олтин, уран, мис, тош ва калий тузлари захираси бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторига киради. Ўзбекистонда углеводород қазиб олишнинг йиллик ҳажми қарийб 86 миллион тонна стандарт ёқилғини ташкил этади.¹¹ Хорижий инвестицияларнинг нисбатан озроқ қисми қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларга тўғри келмоқда.

2016, 2017 ва 2018 йилларда ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларнинг ўсганлигини кўриш мумкин. Бунда асосий улуш енгил саноат ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон енгил саноати ички ва хорижий инвесторлар учун иқтисодиётнинг энг муҳим кўп тармоқли инвестиция ва инновацион жозибадор тармоғидир.

Енгил саноатнинг ҳолатини яхшилашга бой хом ашё базаси, шунингдек, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга йўналтирилганлиги ёрдам беради. Республикада пахта толасини ички қайта ишлаш ҳажми 1991 йилдаги 7 фоиздан 2017 йилда 60 фоизгача ошди. Ушбу соҳага Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия сингари мамлакатларнинг инвестициялари жалб қилинган.

Ушбу тармоқда калава иплари, пахта ва ипак матолар, трикотаж матолар, тикувчилик маҳсулотлари, пайпоқ ва ипак иплар ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат саноати таркибий ўзгаришлар натижасида ривожланаётган бўлса-да, ушбу соҳада янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин.

¹⁰ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹¹ <https://made-in-ural.ru/analitika/pespektivnye-napravleniya-sotrudnichestva-s-respublikoy-uzbekistan/>

**2014-2018 йилларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестицияларнинг
динамикаси¹²**

Тармоқ	2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.	
	млрд. сўмда	% да	млрд. сўмда	% да	млрд. сўмда	% да	млрд. сўмда	% да	млрд. сўмда	% да
Жами	6980,1	100,0	8309,5	100,0	10611,4	100,0	16309,0	100,0	31350,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	157,5	2,3	64,8	0,8	171,8	1,6	190,5	1,2		
Тоғ-кон саноати	3648,8	52,3	4350,9	52,4	3296,6	31,1	9226,2	56,7	6144,6	19,6
Ишлаб чиқариш саноати	589,6	8,4	469,6	5,8	2905,4	27,4	2111,8	13,0	8339,1	26,6
Электр, газ, буғ билан таъминлан ва ҳавони кондициялаш	541,0	7,8	111,9	13,5	1119,1	12,3	394,4	2,4	10721,7	34,2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	144,6	2,1	144,1	1,7	318,8	3,0	304,1	1,9	783,7	2,5
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	41,2	0,6		0,8	113,9	1,1	135,7	0,8		
Ташиш ва сақлаш	1011,7	14,5	1088	13,1	1390,9	13,1	1469,7	9,0	1755,6	5,6
Ахборот ва алоқа	602,1	8,6	620,7	7,5	761,3	7,2	1556,9	9,5	438,9	1,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	58,8	0,8	62,9	0,8	182,9	1,7	508,7	3,1	344,85	1,1
Бошқа фаолият турлари	184,8	2,6	389,4	4,4	350,7	1,5	411,0	2,4	2821,5	9,0

¹² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари “Йилнинг асосий ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари”

2018 йилда етакчи ўринни электр ва газ таъминоти эгаллади. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳар бирининг қуввати 450 МВт бўлган иккита блокнинг таркибий қисми сифатида умумий қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электростанциясининг қурилиши, қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш, электр таъминоти, газ ва буғ етказиб бериш, ҳаво айланиши каби инвестициялар 10731,7 млрд. сўмни ёки хорижий инвестиция ва кредитларнинг 34,2 фоизини Mitsubishi Corporation ва Mitsubishi Hitachi Power Systems Ltd ўртасида иккита энергия блокин қуриш тўғрисида шартнома имзоланди¹³.

Хорижий инвестициялар динамикасини таҳлил қилишда ушбу жараёни минтақавий нуқтаи назардан кўриб чиқиш керак. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларнинг ҳудудлардаги динамикасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. 2-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланган. 2014-2018 йиллар учун статистика шуни кўрсатадики, етакчи ўринларни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри эгаллайди. Ушбу минтақаларга 2014 ва 2018 йилларда хорижий инвестицияларнинг мос равишда 74,6 фоиз ва 56,8 фоизга тўғри келади.

Таҳлил қилинаётган даврда Тошкент шаҳрида умумий ҳажмнинг ўртача 12 фоиз хорижий инвестициялар жалб қилинди. Хусусан, 2018 йилда Тошкент шаҳрига хорижий инвестицияларнинг 12 фоизи ўзлаштирилган. Хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, нефть-кимё ва бошқа соҳаларга, шунингдек хизмат кўрсатиш ва уй-жой соҳаларига жалб этилмоқда.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари хорижий инвестицияларни энг кам жалб қилган ҳудудлар бўлди. Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмдаги улуши таҳлил қилинаётган даврда ўртача 1 фоизни ташкил этди.

Хорижий инвестициялар ҳажми бўйича Андижон вилояти ҳам 2014-2017 йилларда (йилига ўртача 1.2 фоиз) сўнгги поғоналарда бўлган. 2018 йилга келиб бу кўрсаткич умумий ҳажмнинг 2.8 фоизига етди. Бу Республика умумий ер майдонининг 1 фоизида аҳолининг 10 фоизи яшайдиган ҳудуд учун жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий шароитда минтақалар иқтисодиётига инвестицияларни, айниқса чет эл инвестицияларини жалб қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифанинг энг оқилона ечимига потенциал инвесторлар учун минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. Белгиланган вазифаларга эришиш давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бизнес секторининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилади. Айни ҳолатда Андижон вилояти ҳудудий иқтисодиёти ҳолати ҳақида гап юритилади.

¹³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича хорижий инвестицияларнинг динамикаси¹⁴


Ҳудудлар	2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.	
	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да
Ўзбекистон Республикаси	6980,1	100,0	8309,5	100,0	10611,4	100,0	16309,0	100,0	31350,0	100,0
Шу жумладан:										
Қорақалпоғистон Республикаси	1892,4	27,1	2899,7	34,9	1683,4	15,9	268,6	1,6	1512,1	4,8
Андижон вилояти	101,5	1,4	86,0	1,0	108,0	1,0	197,3	1,2	878,6	2,8
Бухоро вилояти	1615,7	23,1	1463,2	17,6	3101,2	29,2	8256,9	50,6	4189,9	13,4
Жиззах вилояти	71,3	1,0	38,0	0,5	106,3	1,0	125,2	0,8	392,3	1,3
Қашқадарё вилояти	918,9	13,2	1037,7	12,5	2006,1	18,9	1950,9	12,0	8339,2	26,6
Навоий вилояти	180,1	2,6	54,9	0,7	152,5	1,4	385,0	2,4	3662,1	11,7
Наманган вилояти	295,7	4,2	488,9	5,9	639,1	6,0	1088,4	6,7	2822,6	9,0
Самарқанд вилояти	85,8	1,2	128,0	1,5	81,5	0,8	114,5	0,7	384,1	1,2
Сурхандарё вилояти	183,5	2,6	191,5	2,3	209,1	2,0	512,8	3,1	1788,8	5,7
Сирдарё вилояти	95,0	1,4	116,7	1,4	102,3	1,0	76,1	0,5	261,1	0,8
Тошкент вилояти	437,7	6,3	677,6	8,2	580,3	5,5	781,8	4,8	1760,1	5,6
Фарғона вилояти	198,9	2,8	193,6	2,3	235,4	2,2	191,8	1,2	1250,3	4,0
Хоразм вилояти	120,0	1,7	40,8	0,5	90,4	0,8	197,5	1,2	355,5	1,1
Тошкент шаҳри	782,9	11,2	892,9	10,7	1515,9	14,3	2162,2	13,2	3753,3	12,0

¹⁴Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Андижон вилояти табиий ресурсларга нисбатан бой бўлмаган ҳудуд. Вилоятда қурилиш тошлари, кум ва шағал материаллари, цемент хом ашёси, оҳактош, ғишт ва кафель хомашёси каби минерал ресурсларнинг кичик қисми мавжуд.

2018 йилда Андижон вилоятида ЯХМ асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (13050,0 млрд. сўм), саноат (6630,5 млрд. сўм) ва хизмат кўрсатиш (6806,6 млрд. сўм) тармоқлари ҳисобига шаклланди.

3-расмда Андижон вилоятида ЯХМ доимий равишда ўсиб бораётганидан далолат беради. Вилоятда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.



2-расм. 2014-2018 йилларда Андижон вилояти ЯХМ ва хорижий инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.¹⁵

Вилоят иқтисодиёти учун инвестицияларни, айниқса чет эл инвестицияларини жалб қилиш устувор йўналиш ҳисобланади. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, доривор хом ашёни қайта ишлаш, тайёр дори-дармон воситалари, тиббий асбоб-ускуналар, ёрдамчи ва кадоқлаш материаллари ва бошқалар ишлаб чиқариш учун ташкил қилинган Андижон-фарм эркин иқтисодий зонасини ҳисобга олмаганда, вилоят бизнес ва экспорт учун алоҳида имтиёзлар билан ажралиб турмайди.

2018 йилда Андижон вилоятига 4055,9 миллиард сўм инвестиция жалб этилди. Уларнинг 21,7 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлардир.

Муаллиф ялпи ҳудудий маҳсулотни минтақанинг иқтисодий ривожланишини тавсифловчи асосий кўрсаткич сифатида белгилайди. Минтақавий ЯХМ ва хорижий инвестициялар ўртасида боғлиқлик бор деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу босқичда муаллиф хорижий инвестицияларининг вилоят ЯХМига таъсирини кўп омилли регрессия

¹⁵ Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган

моделли асосида баҳолайди. Андижон вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичларини акс эттирувчи мавжуд маълумотларга кўра, биз Y тасодифий ўзгарувчини X_1 ва X_2 тасодифий ўзгарувчиларига боғлиқлик моделини қурилди. Бу ҳолатда Y – Андижон вилоятининг ЯХМ, X_1 – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, X_2 - хорижий кредитлар.

Корреляция матрицасидан келиб чиқадики, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) га иккала регрессантлар таъсир кўрсатади, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитларнинг ЯХМ билан корреляцион боғлиқлик мавжуд.

Кўп омилли регрессия модели тузилади. Унда Y – ЯХМ. Регрессия тенгламасининг коэффициентларини аниқланади.

$$Y = \beta_0 + \beta_1 \cdot X_1 + \beta_2 \cdot X_2$$

Энг кам квадратлар усули билан Excel ёрдамида олинган маълумотларга кўра, олинган кўп омилли модель қуйидагича бўлади:

$$Y = 1486995,1 + 15,55X_1 + 50,28X_2 \quad (2.1)$$

Икки омилли чизикли регрессион моделдан шуни кўриш мумкинки, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни 1 млн. сўмга ошганда, хорижий кредитларни ўзгартирмаган ҳолатда, Андижон вилоятининг ЯХМ 15.55 млн. сўмга ортади. Хорижий кредитларни 1 млн. сўмга ошганда, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ўзгартирмаган ҳолда, Андижон вилоятининг ЯХМ 50.28 млн. сўмга ортишини кўриш мумкин.

Юқорида кўрсатилган коэффициентлар соф коэффициентлардир. Бу ўринда стандартлаштирилган коэффициентлар бўйича ўзгарувчиларни бири-бирига боғланишини текшириш зарур.

Модель кўп омилли модель бўлганлиги сабабли, соф коэффициентларни стандартлаштирилган коэффициентларга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундан мақсад, ўзгарувчилар орасидаги боғлиқликни (X_1 ва X_2) кўрсатишдир.

